

ХҮЖАЕВ АНВАР ФУЛОМОВИЧ
Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги
ТАТУ Қарши филиали ўқитувчиси

Аннотация: Фақирий лирикасининг бош мавзуларидан бири ишқ-муҳаббат масаласидир. Шоирнинг ҳаёт ҳодисаларига нисбатан бўлган қарашлари шу мавзу орқали юксак маҳорат билан ифода этилади.

Аннотация: Одной из основных тем лирики Факири является любовь. Через эту тему умело выражены взгляды поэта на события жизни.

Abstract: One of the main themes of Fakiri's lyrics is love. Through this theme, the poet's views on life events are skillfully expressed.

Калит сўзлар: ғазал, мухаммас, мусаддас, мурабба, рубоий, муаммо, чистон, маснавий, мустаҳзод

XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг биринчи ярмида Хоразмда яшаб ижод этган кўп қиррали шоир Фақирийнинг адабий мероси биринчи навбатда ўзининг мазмунан бой ва шаклан хилма-хиллиги билан диққатни тортади. Фақирий мумтоз шеъриятнинг ранг-баранг жанрлари ва турларида ижод қилди. Шоирнинг девонидан ғазал, мухаммас, мусаддас, мурабба, рубоий, муаммо, чистон, маснавий, мустаҳзод ва бошқалар ўрин олган.

Фақирийнинг лирик мероси давр адабий ҳаётининг муҳим ҳодисаси бўлди. Унда севги ва вафо, дўстлик ва садоқат, илм ва хунар, муҳаббат ва шахс, маърифат учун кураш масалалари қўйилади ва тавсифланади. Шоир бундай қарашлар ифодасида Шарқ назмининг халқчил анъаналаридан озиқланди ва уларни муносиб равишда давом эттириди.

Шоир яшаган XIX асрнинг иккинчи ярми адабиёти мавзуларнинг хилма-хиллиги, жанрларнинг турлилиги билан, энг муҳими янгича ижтимоий ғояларниг ифодаси билан ажralиб туради. Фақирий лирикасининг бош мавзуларидан бири ишқ-муҳаббат масаласидир. Шоирнинг ҳаёт ҳодисаларига нисбатан бўлган қарашлари шу мавзу орқали нихоятда юксак маҳорат билан ифода этилади.

Энг юксак ҳис-туйғу бўлган ишқ-муҳаббатни эҳтирос билан куйлаш Шарқ мумтоз шеърияти, жумладан, ўзбек лирикасига хос муҳим анъаналарданdir.

Ўзбек адабиёти тарихида Алишер Навоий ҳам гоявий, ҳам бадиий жиҳатдан юксак чўққига кўтарди. Унинг ишқий лирикасида илгари сурилган ғоялар, сайқалланган бадиий образлар, ранг-баранг тасвир йўллари кейинги давр шоирлари учун назмий анъаналар мактаби вазифасини ўтади. Ўзбек адабиётининг қатор вакиллари ўз истеъдодлари, ҳаёт тажрибалари ва қарашлари даражасида бу анъанани давом эттиридилар, уни бойитиб бордилар.

Фақирий ҳам шундай ижодкорлар қаторида бўлди. У ўзининг ишқ-муҳаббат лирикасида садоқат, вафодорлик каби инсонга хос юксак ҳис-туйғуларни тараннум этди. У бу мавзуда қалам тебратар экан, ўз салафлари каби илоҳий ишқни улуғлади, муҳаббат одамдаги энг олий фазилатлардан бири эканлигини таъкидлади. Шуниси диққатга сазоворки, Фақирий

VOLUME-1, ISSUE-6

ижодида ички инсоний кечинмаларни, ҳис-туйғуларни тасвирловчи шеърлардан ҳар бирининг заминида шоирнинг ҳаётга, инсонга чексиз мұхаббати ётади.

Фақирий ғазаллари марказида асосан ошиқ ва маъшуқа образлари туради. Ана шу ошиқ ва маъшуқанинг бой руҳий дунёси уларни ўраб турган объектив борликка нисбатан бефарқ әмас.

Шундай қилиб, индивидуал ҳис-туйғу бўлган севги шоир талқинида давр ва унинг хусусиятларига алоқадор ҳолда олинади, бинобарин, социал мазмун касб этади. Китобхон унинг лирик қаҳрамони учун ёр висолига эришиш, у билан умр ўтказиш ҳар қандай бойлиқдан ортиқ туради деб тушуниши мумкин. Зийрак китобхон эса унинг шеърларидағи “ёр васли” аслида илоҳий ишқдан дарак берәётганини ва шоирнинг ишқ йўлидан қайтмас эканлигини сезади. Лекин Фақирий яшаган, ижод этган даврда ҳам зулм ва зўрлик ҳукм сурғанлиги туфайли инсоннинг олийжаноб севги туйғуси оёқ ости қилинганинг эътироф этади:

Чин ошиқлар ҳамиша зор эконур
Туну қун орзуюй дийдор эконурдур...
Кўрунг булбул фифон айлар чаманда,
Муроди мақсади бир ёр эконур...
Фақирий ўлса ҳам дўнмас бу йўлдин,
Демас ҳаргиз номус-ор эконур¹.

Шоир ўз замонида инсоннинг руҳий дунёсига ҳам моддий манфаатдорлик, тамаъ, мол-дунё аралашганлигидан шикоят қиласди.

Фақирий шундан келиб чиқиб илоҳий ва мажозий ишқни куйлаб, шеърларида мұхаббат масаласига жиддий ёндошади, унга ижтимоий мазмун беради.

Фақирий лирикасида ишқ масаласи соғлом асосда, инсон туйғусини ҳурмат қилиш асосида зухур бўлади. Мұхаббат туйғуси инсоннинг олийжаноб мақсад ва орзулари билан боғланғанлиги учун, бу масалада вафо ва садоқат ниҳоятда мұхимдир. Мұхаббат соғломлиги ошиқ-маъшуқларнинг вафодорлигига боғлиқ. Вафо-садоқат ҳақидаги ғояни илгари суради. Фақирий бу ўринда устоз Навоийнинг “...ишқ ичра тенгдур шоҳу дарвеш”² деган юксак қарашларига асосланган ҳолда бу ғояни ривожлантириб боради. Ишқ йўлида шоҳу-гадо тенглигини мадҳ қиласди:

Мен гадо сен шоҳга ошиқ бўлмогим айб этмаким,
Бу балолик ишқ фарқ қилмас гадоу шоҳни³.

Бу байт ўз руҳи билан Лутфийнинг ғазалларига ҳам жуда ҳамоҳангдир.

Фақирийнинг ишқий шеърлари тасаввуф шеъриятидан илҳомланиб ёзилган бўлиб, улар ҳаёт қўшиқларидек янграйди. Бу қўшиқларда шоир киши турли-туман нидоларини жўшқинлик ва эҳтирос билан куйлайди, юксак инсоний фазилатларни куйлайди.

Шоир ёр-маъшуқанинг чин ҳусн-латофатини, тенги йўқ гўзаллигини жозибали мисралар орқали таъриф-тавсиф қилас экан, бу гўзалликка эришиш учун йўл - инсоннинг маънавий ва маърифий баркамоллигидир дейди. Чунки ташқи чирой инсон латофатининг бир томонигинадир. Инсон ҳар жиҳатдан гўзалликка, - яъни ички-ахлоқий гўзалликка эга бўлиши, яъни нафсни жиловлаши керак. Ана шу тасаввуфий тамойилга амал қилган Фақирий энг олийжаноб инсоний фазилатларни гўзаллик тушунчасига киритади ва “севгили ёр”нинг гўзалликлари тасвирида унинг шу фазилатларига алоҳида урғу беради.

¹ Фақирий.Девон,396-саҳифа

² Навоий.Хамса, 275-бет

³ Фақирий.Девон,158 а-саҳифа

VOLUME-1, ISSUE-6

Тасаввуф адабиётидаги тамойилга мувофиқ, маъшуқани яъни Аллоҳни ҳам гўзаллик, ҳам маънавий баркамоллик тимсоли сифатида васф этади:

Жамоли жумлани вобаста қилғон дилраболар кўп,

Аларни хеч бирини сандин аъло кўрмадук асло⁴.

Шоир маъшуқани гоҳ хусн аҳлиниңг “султон”ига, гоҳ инсонлар ичида энг гўзал саналган “Юсуфи Канъон”га, гоҳ “пари”, гоҳ “хур”, гоҳ “қуёш”га нисбат беради.

Фақирий кўп қиррали истеъодод эгаси бўлиб, у шоир, хаттот, насрда ҳам яхшигина қобилияят соҳиби булган санъаткордир. Фақирий икки асрни, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фарқ қилган икки хил тузумни кўриб баркамол асарлар ёзишга мусассар бўлган шоирдир.

«Дафтари ашъор ул-жадида» («Янги шеърлар дафтари»)да эса Фақирийнинг 1916-1924 йилларда ёзган шеърлари мавжуд. «Айрилғали», «Ўзингсан», «Бўлмағай», «Ўзгача», «Аё дилбар», «Кўргач», «Суратинг» радифли ғазалларида самимий муҳаббат, ошиқ изтироблари маҳорат билан тасвирланган. Шеърларининг кўпи реал, ҳаётӣ таассуротлар асосида ёзилган. Сўнгги йилларда ёзилган бир туркум шеърлари «Юғурумия» тўпламига киритилган(1923). «Девон»нинг шоир қўли билан кўчирилган нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида №7693 рақамли инвентарь остида сақланади.

Адабиётлар:

Фақирий. Девон ЎзФА Шарқшунослик институти №7693

Навоий. Хамса, “Янги аср авлоди”, 2010

Фақирий. Шеърлар, “Ғ.Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”, Тошкент-1972

⁴ Фақирий.Девон,24а-бет